
“Камалак” сардорлари билан учрашув

Фарғона шаҳридаги Тадбиркорлар марказида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси, Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуронбоевнинг шаҳар таълим муассасалари тизимидаги “Камалак” болалар ташкилоти сардорлари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Кенгаш раиси ёшларнинг жисмонан ва интеллектуал, маънавий ривожланиши учун қулай ва энг яхши шароитларни яратиш, куч ва ғайратларини Ватан ривожига йўлида сарф этишларини таъминлашга қаратилган ислохотлар мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритди.

Тадбир иштирокчилари томонидан иқтидорли болаларнинг ижодий ишларини ёритиб бориш учун газета ва журналлар ташкил этиш, ёзги оромгоҳлар, Самарқанд, Бухоро сингари қадимий шаҳарларга экскурсиялар уюштириш, ёшлар театр студияси фаолиятини йўлга қўйиш, сардорлар беллашувини ўтказиш, кам таъминланган оила фарзандларини бепул спорт машғулотларига жалб қилиш бўйича таклифлар билдирилди.

Очиқ мулоқотда таълим даргоҳларидаги айрим муаммолар юзасидан ҳам ўқувчиларнинг саволлари тингланди. Жумладан, мактабдаги шароитлар, кутубхона залларини кенгайтириш, мавжуд китоб базасини янгилаш, спорт майдончаларининг талабга жавоб бермаслиги каби камчиликлар айtilди. Кенгаш раиси янги китоблар етказиб берилиши, бу борада зарур ташкилий ишлар олиб борилаётганлигини таъкидлади. Таълим даргоҳларидаги иттифоқнинг бошланғич ташкилот етакчиларига ёшлар ўртасида соғлом муҳит барқарорлигини таъминлаш, уларнинг яширин иқтидорини юзага чиқариш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган топшириқ ва вазифалар юклатилди.

Камола ПОЛВОНОВА.

Жаҳонгир МИРЗАМАТОВ олган сурат.

2018-02-07 16:17:35